

Фаргона шаҳар
“Давлат хизматлари маркази”
томонидан 2024 йил “18” 12
№ 453 - сонли реестр билан



«FARG‘ONA AVTOTEXHIZMAT-F»
масъулияти чекланган жамияти
иштирокчиларининг 2024 йил
19 ноябрдаги навбатдан ташқари умумий
йиғилиши 4 - сон баённомаси билан

“ҚАЙТА РЎЙХАТГА ОЛИНДИ”

М.Ў.

«ТАСДИҚЛАНГАН»

М.Ў.

**«FARG‘ONA AVTOTEXHIZMAT-F»
МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИНИНГ
(ЯНГИ ТАХРИРДАГИ) УСТАВИ**

Фарғона ш. - 2024 йил

Муқаддима

Ушбу Устав, Farg'ona «Avtotexxizmat-F» акциядорлик Жамиятининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Акциядорлик Жамиятларига хорижий инвесторларни жалб қилиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2015 йил 21 декабр кунги ПҚ-2454-сонли Қарорига асосан, ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўзгартириш йўли билан қайта тузилган «FARG'ONA AVTOTEXXIZMAT-F» масъулияти чекланган Жамиятининг янги тахрирдаги Устави.

«FARG'ONA AVTOTEXXIZMAT-F» масъулияти чекланган Жамияти Farg'ona «Avtotexxizmat-F» акциядорлик Жамиятининг тўлиқ ҳуқуқий вориси бўлиб, унинг барча моддий ва номоддий активларига эгалик қилади ҳамда барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича жавобгарликни ўз зиммасига олади.

1-модда. Умумий қондалар

«FARG'ONA AVTOTEXXIZMAT-F» масъулияти чекланган Жамияти кейинги ўринларда «Жамият» деб номланади.

Жамият ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва Ўзбекистон Республикаси «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли Жамиятлар тўғрисида»ги қонуни бўйича амалга оширади.

Жамиятнинг тўлиқ номи:

Ўзбек тилида: «FARG'ONA AVTOTEXXIZMAT-F» Mas'uliyati cheklangan jamiyati;

Рус тилида: Общество с Ограниченной Ответственностью «ФЕРГАНА АВТОТЕХХИЗМАТ-Ф»;

Жамиятнинг қисқартирилган номи:

Ўзбек тилида: «FARG'ONA AVTOTEXXIZMAT-F» MChJ;

Рус тилида: ООО «ФЕРГАНА АВТОТЕХХИЗМАТ-Ф».

Жамиятнинг манзили: Фарғона вилояти, Фарғона шаҳар, Аэропорт кўчаси, 78 уй.

Жамиятнинг фаолият муддати чекланмаган.

2-модда. Жамиятнинг ҳуқуқий мақоми

2.1. Жамият қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган пайдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади.

2.2. Жамият қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа юридик шахсларнинг муассиси бўлишга ёки уларнинг устав фондида (устав капиталида) бошқача тарзда иштирок этишга, ваколатхоналар ва филиаллар тузишга ҳақлидир.

2.3. Жамият ўзининг фирма номи ёзилган штампларига ва бланкаларига, ўз эмблемасига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатга олинган товар белгисига ва бошқа ўз белги-аломатларига эга бўлишга ҳақлидир.

2.4. Жамият ўзининг мустақил балансида ҳисобга олинган алоҳида мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан ҳуқуқларни олиши, мажбуриятларга эга бўлиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

2.5. Жамият ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига қарашли барча мол-мулк билан жавобгар бўлади. Жамият ўз иштирокчиларининг мажбуриятлари юзасидан жавоб бермайди, худди шунингдек Жамият иштирокчилари Жамият мажбуриятлари юзасидан жавоб бермайди. Давлат ва унинг органлари Жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, худди шунингдек Жамият ҳам давлат ва унинг органлари мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

3-модда. Жамият фаолиятининг предмети

3.1. Жамиятнинг асосий мақсади Жамият фаолиятдан фойда олиш ҳисобланади ва куйидаги фаолият турларини амалга оширади:

- енгил автомобиллар, автобуслар, юк ташиш ва махсус техникаларни, «UzAuto Motors» акциядорлик Жамиятида ишлаб чиқарилган енгил автомобиллар, уларнинг эхтиёт қисмлари, агрегат ва кузовларини чакана ва улгуржи савдосини ташкил этиш;

- автотранспорт воситаларини сотув олди тайёрлаш ва кафолатли хизмат кўрсатишни амалга ошириш;

- юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган автотранспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, автомобилларга газ баллон ускуналарини ўрнатиш, уларни таъмирлаш;

- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ ҳолда автотранспорт воситаларини техник текширув-экспертизадан ўтказиш ва баҳолаш;

- аҳолига ва юридик шахсларга шаҳар ичида ва шаҳарлараро транспорт хизмати кўрсатиш;

- транспорт воситаларини шартнома асосида, ҳақ эвазига ижарага бериш;

- улгуржи савдо фаолияти билан шуғилланиш;

- чакана савдо фаолияти билан шуғилланиш;

- савдо-воситачилик фаолияти, шу жумладан воситачилик фаолияти билан шуғулланиш;

- аҳолига турли хилдаги маиший хизматлар кўрсатиш;

- умумий овқатланиш иншоотларини, ресторан ва барларни очиш;

- халқ истеъмоли моллари ва Жамият эҳтиёжи учун зарур бўлган моддий-техникавий молларни, хом-ашё, саноат моллари, қурилиш материаллари, автомобиль ва улар учун эҳтиёт қисмлар сотиб олиш, товар алмаштириш ва уларни сотиш;

- белгиланган тартибда экспорт ва импорт, савдо воситачилик фаолияти билан шуғилланиш;

- чет эл мамлакатлари ва бошқа мамлакатлар билан қўшма корхоналар ташкил этиш;

- бошқа юридик шахсларни, ваколатхоналар ва филиалларни тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- ташқи иқтисодий фаолиятни қонунда белгиланган тартибда амалга ошириш.

3.2. Жамият қонун ҳужжатларида тақиқланмаган ҳар қандай фаолият турларини амалга ошириш ҳуқуқига эга.

3.3. Баъзи бир фаолият турларини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида махсус рухсатнома (лицензия) орқали амалга ошириш талаб этилган тақдирда, Жамият махсус рухсатномаси мавжуд бўлгандагина шуғилланиши мумкин.

4-модда. Жамият иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

4.1. Жамият иштирокчилари қуйидагиларга ҳақлидирлар:

- Жамиятнинг ишларини бошқаришда иштирок этиш;

- Жамиятнинг фаолияти тўғрисида ахборот олиш ҳамда унинг бухгалтерия дафтарлари ва бошқа ҳужжатлари билан танишиш;

- Фойдани тақсимлашда иштирок этиш;

- Жамиятнинг устав фондидаги ўз улушини ёхуд унинг бир қисмини қонунда ва Жамиятнинг уставида назарда тутилган тартибда мазкур Жамиятнинг бир ёки бир неча иштирокчисига сотиш ёки ўзга тарзда уларнинг фойдасига воз кечиш;

- Жамият бошқа иштирокчиларининг розилигидан қатъий назар қонунда ва Жамиятнинг уставида назарда тутилган тартибда исталган вақтда Жамиятдан чиқиш;

- Жамият тугатилган тақдирда, кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилингандан кейин қолган мол-мулкнинг бир қисмини ёки унинг қийматини олиш;

- Жамият улушлари Жамият устав фондининг камида ўн фоизини ташкил этадиган Жамият иштирокчилари ўз мажбуриятларини кўпол бузаётган ёхуд ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан Жамиятнинг фаолият кўрсатишига имкон бермаётган ёки уни жиддий тарзда қийинлаштираётган иштирокчини Жамиятдан суд тартибида чиқарилишни талаб қилишга ҳақлидирлар.

- Жамият иштирокчилари қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

4.2. Жамият иштирокчилари қуйидаги мажбуриятларни оладилар:

- Қонун ҳужжатлари ва Жамият таъсис ҳужжатларида белгиланган тартибда, миқдорда, усулларда ва муддатларда ҳисса қўшиш;

- Жамият фаолияти тўғрисидаги сир тутилган ахборотни ошкор қилмаслик;

7-модда. Жамиятнинг Устав фондини кўпайтириш ва камайтириш тартиби

7.1. Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш Жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг Жамият иштирокчилари умумий овозлари сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан қабул қилинган қарорига биноан амалга оширилади.

7.2. Жамият устав фондининг кўпайтирилиши Жамиятнинг мол-мулки ҳисобига ва Жамият иштирокчиларининг қўшимча ҳиссалари ҳисобига амалга оширилиши мумкин.

7.3. Жамият устав фондини Жамиятнинг мол-мулки ҳисобига кўпайтириш тўғрисидаги қарор бундай қарор қабул қилинган санадан олдинги йил учун Жамиятнинг бухгалтерия ҳисоботи маълумотлари асосидагина қабул қилиниши мумкин.

7.4. Жамият устав фонди Жамиятнинг мол - мулки ҳисобига кўпайтириладиган сумма Жамият соф активларининг қиймати билан устав фонди ҳамда захира фонди суммаси ўртасидаги фарқдан ортиқ бўлмаслиги керак.

7.5. Жамиятнинг устав фонди Жамиятнинг мол-мулки ҳисобига кўпайтирилганда Жамиятнинг барча иштирокчилари улушларининг миқдорлари ўзгармаган ҳолда улар улушларининг номинал қиймати мутаносиб равишда кўпаяди.

7.6. Жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг Жамият барча иштирокчилари томонидан қўшимча ҳиссалар қўшиш ҳисобига Жамият устав фондини кўпайтириш тўғрисидаги қароридан қўшимча ҳиссаларнинг муайян умумий қиймати, Жамият ҳар бир иштирокчисининг қўшимча ҳиссаси қийматининг миқдори, иштирокчилар томонидан қўшимча ҳиссаларни тўлиқ қўшиш муддати белгиланиши керак.

7.7. Жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши Жамият иштирокчисининг қўшимча ҳисса қўшиш тўғрисидаги аризаси (Жамият иштирокчиларининг аризалари) асосида Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш тўғрисида бир овоздан қарор қабул қилиши керак.

7.8. Жамият иштирокчисининг аризасида ҳиссани қўшиш тартиби, миқдори, усуллари ва муддати, шунингдек Жамият иштирокчиси Жамиятнинг устав фондида эга бўлишни хоҳлаган улуш миқдори кўрсатилган бўлиши керак.

7.9. Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш тўғрисидаги қарор билан бир вақтда унинг таъсис ҳужжатларига Жамият барча ёки айрим иштирокчиларининг (айрим иштирокчисининг қўшимча ҳиссаларини қўшиш ҳисобига Жамият иштирокчилари улушларининг номинал қиймати тегишлича аниқланиши муносабати билан ўзгартишлар, зарур ҳолларда, шунингдек Жамият иштирокчилари улушининг миқдорлари ўзгариши билан боғлиқ ўзгартишлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилиниши керак.

7.10. Қўшимча ҳиссаларни қўшишнинг муддати тугаган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай Жамият иштирокчиларининг қўшимча ҳиссаларини қўшиш яқунларининг тасдиқлаш ҳақида, шунингдек Жамият устав фонди миқдорини кўпайтириш, қўшимча ҳиссалар қўшган Жамият иштирокчилари улушларининг номинал қийматини аниқлаш, зарур ҳолларда Жамият иштирокчилари улушларининг миқдорлари ўзгариши билан боғлиқ ўзгартишларни Жамиятнинг таъсис ҳужжатларига киритиш тўғрисида Жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши томонидан қарор қабул қилиниши керак.

7.11. Жамият ўз устав фондини камайтиришга ҳақлидир, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса, Жамият ўз иштирокчиларининг Жамият устав фондидаги улушларининг номинал қийматини камайтириши ва (ёки) Жамиятга тегишли улушларнинг ҳақини тўлаш орқали устав фондини камайтириши шарт.

7.12. Жамият, агар бундай камайтириш натижасида устав фондининг миқдори Жамиятнинг таъсис ҳужжатларидаги тегишли ўзгартишларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳужжатларни тақдим этиш санасидаги ҳолатга кўра қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган устав фонди минимал миқдоридан кам бўлиб қолса, Жамият ўзининг устав фондини камайтиришга ҳақли эмас.

7.13. Жамият барча иштирокчилари улушларининг номинал қийматини камайтириш йўли билан Жамиятнинг устав фондини камайтириш Жамият барча иштирокчилари улушларининг миқдорлари сақлаб қолинган ҳолда амалга оширилмоғи лозим.

8-модда. Жамият иштирокчисининг Жамият устав фондидаги улушининг (улуши бир қисмининг) учинчи шахсларга ўтиши

8.1. Жамият Иштирокчиси бошқа иштирокчиларнинг розилиги билан ўз улушларини(улушнинг бир қисми) бир ёки бир нечта учинчи шахсларга сотиш ёки ўзга тарзда улар фойдасига воз кечиши мумкин.

Жамият иштирокчилари Жамият иштирокчисининг улушини (улушининг бир қисмини) учинчи шахсга таклиф қилинадиган баҳо бўйича ўз улушлари миқдорларига мутаносиб равишда сотиб олишда имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланадилар. Агар Жамиятнинг бошқа иштирокчилари улушни (улушнинг бир қисмини) сотиб олишда ўзларининг имтиёзли ҳуқуқларидан фойдаланмаган бўлсалар, Жамият ўзининг иштирокчиси томонидан сотилаётган улушни (улушнинг бир қисмини) сотиб олишда имтиёзли ҳуқуққа эга бўлади.

8.2. Ўз улушини (улушнинг бир қисми) учинчи шахсга сотмоқчи бўлган Жамиятнинг иштирокчиси, Жамиятнинг бошқа иштирокчиларини Жамият орқали ва Жамиятни ёзма равишда сотиш нарҳи ва бошқа шартлари ҳақида билдириши шарт.

8.3. Улушларни бошқа шахсга ўтказиш, фақат иштирокчи ўз бадалини тўлиқ ўтказгандан соф амалга оширилади, Жамият таркибидан чиқаётган иштирокчи ўз улушлари билан ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳам шу шахсга топширади.

8.4. Жамият иштирокчиларидан бирортаси томонидан сотилаётган улушни (улушнинг бир қисмини) сотиб олишда жамият иштирокчилари учинчи шахслар олдида имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланади, бундан жамият уставида давлат улушини (улушнинг бир қисмини) оммавий савдолар орқали сотиш назарда тутилган ҳоллар мустасно.

8.5. Улушлар Жамиятнинг ўзи томонидан ҳам сотиб олиниши мумкин.

9-модда. Жамиятнинг фойдасини Жамият иштирокчилари ўртасида тақсимлаш

9.1. Жамият йилнинг ҳар чорагида, ярим йилда бир марта ёки бир йилда бир марта ўзининг соф фойдасини тақсимлаш тўғрисида қарори Жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

9.2. Жамиятнинг Жамият иштирокчилари ўртасида тақсимланадиган фойдаси қисмини тақсимлаш тўғрисидаги қарор Жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

9.3. Жамият фойдасининг унинг иштирокчилари ўртасида тақсимлаш учун мулкаланган қисми уларнинг Жамият устав фондидаги улушларига мутаносиб равишда тақсимланади.

9.4. Дивидендларни тўлаш муддати ва тартиби Жамиятнинг Уставида ёки иштирокчиларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланади. Бунда дивидендларни тўлаш муддати Жамият иштирокчилари ўртасида фойдани тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кундан ошмаслиги керак.

10-модда. Жамиятнинг фойдасини Жамият иштирокчилари ўртасида тақсимлашдаги чеклашлар. Жамиятнинг фойдасини Жамият иштирокчиларига тўлашдаги чеклашлар

10.1. Жамият қуйидаги ҳолларда ўз фойдасини Жамият иштирокчилари ўртасида тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли эмас:

- Жамиятнинг бутун устав фонди тўлиқ тўлангунга қадар;
- ушбу уставда назарда тутилган ҳолларда Жамият иштирокчиси улушининг (улуши бир қисмининг) ҳақиқий қиймати тўлангунга қадар;
- агар бундай қарорни қабул қилиш пайтида Жамият қонунга мувофиқ банкротлик белгиларига жавоб берса ёки агар мазкур белгилар Жамиятда шундай қарор қабул қилиниши натижасида пайдо бўлса;
- агар шундай қарорни қабул қилиш пайтида Жамият соф активларининг қиймати унинг устав фондидан ва захира фондидан кам бўлса ёки шундай қарор қабул қилиниши натижасида уларнинг миқдоридан камроқ бўлиб қолса;
- қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Жамият ўз иштирокчилари ўртасида тақсимланиши тўғрисида қарор қабул қилинган ҳолатда Жамият иштирокчиларига фойдани тўлашга ҳақли эмас:

- агар тўлаш пайтида Жамият қонунга мувофиқ банкротлик белгиларига жавоб берса;
- агар тўлаш пайтида Жамиятнинг соф активлари қиймати унинг устав фондидан ва захира фондидан кам бўлса ёки тўлаш натижасида уларнинг миқдоридан камроқ бўлиб қолса;
- қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

10.2. Ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган ҳолатлар тугганидан кейин Жамият ўз иштирокчилари ўртасида тақсимланиши тўғрисида қарор қабул қилинган фойдани тўлаши шарт.

11-модда. Жамиятнинг захира фондини ташкил қилиш тартиби

11.1. Жамиятнинг захира фонди Жамият Устав фондидан 15% дан кам бўлмаган миқдорда ташкил қилинади. Жамиятнинг захира фонди Жамиятнинг уставидан белгиланган миқдорга етгунга қадар ҳар йили соф фойдадан ажратмалар қилиш йўли билан шакллантирилади. Ҳар йилги ажратмалар миқдори захира фондидан белгиланган миқдорига етгунга қадар соф фойданинг беш фоизидан кам бўлиши мумкин эмас.

11.2. Жамиятнинг захира фонди Жамият зарарларини қоплаш ва Жамият томонидан Жамиятнинг устав фондидаги улушни (улушнинг бир қисмини) олиш учун мўлжаллангандир.

12-модда Жамиятнинг бошқарув органлари

- Жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши - Жамият бошқарувининг олий органи ҳисобланади;
- Жамиятнинг кузатув кенгаши;
- Жамиятнинг коллегиял асосидаги ижро этувчи органи – Бошқаруви ҳисобланади.

13-модда. Жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши

13.1. Жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши Жамият бошқарувининг олий органи ҳисобланади.

13.2. Жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг мутлақ ваколатлари жумласига қуйидагилар киреди:

- Жамият фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш, шунингдек тижорат ташкилотларининг бошқа бирлашмаларида иштирок этиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Жамият устав фондидан миқдорини ўзгартириш;
- таъсис ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш;
- Жамиятнинг тафтиш комиссиясини (тафтишчисини) сайлаш ва унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш ва унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- йиллик ҳисоботларни ва йиллик бухгалтерия балансларини тасдиқлаш;
- Жамиятнинг соф фойдасини Жамият иштирокчилари ўртасида тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Жамият органларининг фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатларни тасдиқлаш (қабул қилиш);
- аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш, аудиторлик ташкилотлари ҳамда уларнинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини аниқлаш;
- бошқа юридик шахсларни, ваколатхоналар ва филиалларни тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Жамиятни қайта ташкил этиш ёки тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- тугатиш комиссиясини тайинлаш ва тугатиш балансларини тасдиқлаш;
- Қонунда назарда тутилган бошқа масалаларни ҳал қилиш.

13.3. Жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг мутлақ ваколатлари жумласига киритилган масалалар, Қонунда назарда тутилган ҳолларни истисно этганда, унинг томонидан

Жамиятнинг кузатув кенгаши ҳал этиши учун, шунингдек Жамиятнинг ижро этувчи органи ҳал этиши учун топширилиши мумкин эмас.

13.4. Жамият иштирокчиларининг навбатдаги умумий йиғилиши йилига камида бир марта ўтказилади.

13.5. Жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши молия йили тугаганидан кейин кечи билан олти ой ичида ўтказилади.

14- модда. Жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишини чақириш тартиби

14.1. Жамият иштирокчиларининг навбатдаги умумий йиғилиши Жамиятнинг ижро этувчи органи томонидан чақирилади.

14.2. Жамият Ижро этувчи органи Жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишини ўтказишдан камида ўттиз кун олдин бу ҳақда Жамиятнинг ҳар бир иштирокчисини Жамият иштирокчиларининг рўйхатида кўрсатилган манзил бўйича буюртма хат билан хабардор қилади.

Хабарномада Жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши ўтказиладиган вақт ва жой, шунингдек таклиф қилинаётган кун тартиби кўрсатилади.

14.3. Жамиятнинг исталган иштирокчиси Жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг кун тартибига қўшимча масалаларни киритиш тўғрисида уни ўтказишдан камида 15 кун олдин таклифлар киритишга ҳақлидир, жумладан, Жамият кузатув кенгаши, ижро этувчи органи раҳбари ва тафтиш комиссиясига бу органнинг миқдор таркибидан шаймайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли. Қўшимча масалалар, Жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг ваколатлари жумласига кирмайдиган масалаларни истисно этганда, Жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг кун тартибига киритилади.

14.4. Жамият Ижро этувчи органи Жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг кун тартибига киритиш учун таклиф қилинган қўшимча масалалар тартибига ўзгартиришлар киритишга ҳақли эмас.

Агар Жамият иштирокчиларининг таклифига биноан Жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг дастлабки кун тартибига ўзгартиришлар киритиладиган бўлса, Жамият Ижро этувчи органи умумий йиғилиш кун тартибига киритилган ўзгаришлар ҳақида Жамиятнинг барча иштирокчиларини хабардор қилади.

14.5. Жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш чоғида Жамият иштирокчиларига тақдим этилиши еки таништириш лозим бўлган ахборот ва материаллар жумласига қуйидагилар киради:

- Жамият йиллик ҳисоботи;
- Жамиятнинг йиллик молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан Жамият тафтиш комиссиясининг ва аудиторлик ташкилотининг хулосаси;
- Жамиятнинг ижро этувчи органига ва Жамиятнинг тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) номзод (номзодлар) тўғрисидаги маълумотлар;
- Жамиятнинг Кузатув Кенгаши ҳамда тафтиш комиссияси аъзолигига (тафтишчилигига) номзодлар тўғрисидаги маълумотлар;
- Жамиятнинг Уставига киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар лойиҳаси ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги Устави лойиҳаси киради;
- Жамиятнинг уставига назарда тутилган бошқа ахборот (материаллар).

14.6. Жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишини чақирувчи Ижро этувчи органи ахборот ва материалларни Жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишни ўтказиш тўғрисидаги хабарнома билан биргаликда, кун тартиби ўзгартирилган тақдирда, тегишли ахборот ва материаллар ана шундай ўзгартириш тўғрисидаги хабарнома билан биргаликда юборилади, кўрсатилган ахборот ва материаллар Жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши ўтказилишидан олдин 30 кун мобайнида Жамият ижро этувчи органининг биносида таништириш учун Жамиятнинг барча иштирокчиларига тақдим этилиши керак.

14.7. Жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишини чақиришнинг тартиби бузилган тақдирда, агар бундай умумий йиғилишда Жамиятнинг барча иштирокчилари иштирок этаётган бўлса у ваколатли деб эътироф этилади.

15-модда. Жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишини ўтказиш тартиби

15.1. Жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишида иштирокчилар шахсан ёки ўз вакиллари орқали иштирок этишга ҳақлидирлар. Жамият иштирокчиларининг вакиллари ўз ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатни (ишончномани) кўрсатишлари лозим.

15.2. Жамиятнинг иштирокчилари ёки уларнинг вакиллари кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилишда иштирок этиш ва қарорларни қабул қилишда овоз бериш ҳуқуқига эгадирлар.

15.3. Жамиятнинг ҳар бир иштирокчиси Жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишида Жамиятнинг устав фондидаги ўз улушига мутаносиб овозлар сонига эга бўлади.

15.4. Жамиятнинг рўйхатдан ўтмаган иштирокчиси (Жамият иштирокчисининг вакили) овоз беришда иштирок этишга ҳақли эмас.

15.5. Жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши Жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабарномада кўрсатилган вақтда ёки, агар Жамиятнинг барча иштирокчилари рўйхатдан ўтиб бўлган бўлса, олдинроқ очилади.

15.6. Жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда Жамиятнинг эллик фоизидан кўпроқ овозига эга булган иштирокчилар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, Жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади.

Қуйидаги масалалар бўйича қарорлар Жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишида қатнашаётган барча иштирокчилари томонидан бир овоздан қабул қилинади:

- Жамият устав фондининг миқдорини ўзгартириш;
- таъсис ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш;
- Жамиятни қайта ташкил этиш ёки тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- тугатиш комиссиясини тайинлаш ва тугатиш балансларини тасдиқлаш;
- Ўзбекистон Республикасининг «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли

Жамиятлар тўғрисида» ги Қонунида белгиланган масалалар бўйича қарорлар.

15.7. Жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг қарорлари очиқ овоз бериш йўли билан қабул қилинади.

15.8. Ўзбекистон Республикасининг «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли Жамиятлар тўғрисида» ги Қонунида белгиланган барча масалалар бўйича (Қонун 30-моддасида кўрсатилган масалалар) Жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг қарори йиғилишни ўтказмай (кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш ва овозга қўйилган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш учун Жамият иштирокчилари биргаликда ҳозир бўлмади) сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) қабул қилиниши мумкин.

15.9. Жамиятнинг ижро этувчи органи Жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг баённомаси юритилишини ташкил этади.

16- модда Жамият иштирокчиларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши

16.1. Жамият иштирокчиларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Жамиятнинг ижро этувчи органи томонидан:

- Жамият иштирокчилари умумий овозлар сонининг жами камида ўндан бирига эга бўлган Жамият иштирокчиларининг;

- Жамият Кузатув Кенгашининг;
- Жамият тафтиш комиссиясининг талабига биноан чақирилади.
- Жамият иштирокчиларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши зарур ҳолларда

Жамиятнинг ижро этувчи органи томонидан унинг ташаббусига биноан чақириши мумкин.

16.2. Жамият ижро этувчи органи Жамият иштирокчиларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги талаб олинган санадан эътиборан уч кун муддат ичида мазкур талабни кўриб чиқиши ва Жамият иштирокчиларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш ҳақида ёки уни ўтказишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

16.3. Жамият иштирокчиларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказишни рад этиш тўғрисидаги қарор Жамият ижро этувчи органи томонидан фақат қуйидаги ҳолларда қабул қилиниши мумкин:

- агар Жамият иштирокчиларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги талабни тақдим этишнинг тартибига риоя этилмаган бўлса;
- агар Жамият иштирокчиларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг кун тартибига киритиш учун таклиф қилинган масалалардан бирортаси ҳам унинг ваколатлари жумласига кирмаса.

16.4. Жамият ижро этувчи органи, Жамият иштирокчиларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибига киритиш учун таклиф этилган масалалар тартибига ўзгартиришлар киритишга, шунингдек Жамият иштирокчиларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказишнинг таклиф қилинган шаклини ўзгартиришга ҳақли эмас.

16.5. Жамият иштирокчиларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, бундай умумий йиғилиш уни ўтказиш тўғрисидаги талабнома олинган кундан эътиборан 45 кундан кечиктирмай ўтказилади.

Агар ушбу муддат ичида Жамият иштирокчиларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинмаган ёки уни ўтказишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган бўлса,

Жамият иштирокчиларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши уни ўтказишни талаб қилаётган органлар ёки шахслар томонидан чақирилиши мумкин. Бундай ҳолда Жамият ижро этувчи органи мазкур органлар ёки шахсларга Жамият иштирокчиларининг манзиллари кўрсатилган рўйхатни тақдим этади. Умумий йиғилишга тайёргарлик кўриш, уни чақириш ва ўтказиш харажатлари Жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг қарорига биноан Жамиятнинг маблағлари ҳисобидан қопланиши мумкин.

17-модда. Жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг баённомаси

17.1. Жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

- иштирокчилар умумий йиғилиши ўтказиладиган вақти ва жойи;
- йиғилишда қатнашаётган иштирок этувчилар эга бўлган овозларнинг умумий сони;
- йиғилишнинг раиси ва котиби, йиғилишнинг кун тартиби.

17.2. Жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг баённомасида маърузаларнинг асосий қоидалари, овозга қўйилган масалалар ва улар бўйича овоз бериш яқунлари, йиғилишда қабул қилинган қарорлар акс эттирилади.

17.3. Жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг баённомаси йиғилиш ўтказилгандан сўнг 3 кундан кечиктирмай умумий йиғилиш раиси ва котиби томонидан имзоланади.

18-модда. Жамият Кузатув Кенгаши

18.1. Жамият Кузатув кенгашининг ваколатларига қуйидагилар киради:

- Жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;
- Жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;
- Жамият ижро этувчи органи (рахбари ва аъзоларини) сайлаш ва уларнинг ваколатини муддатидан илгари тугатиш;
- Жамият мол-мулкнинг бозор қийматини аниқлаш;
- Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш. Бунда Жамиятнинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режаси Жамият кузатув кенгаши мажлисида жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай маъқулланиши лозим;
- Жамиятнинг ижроия органи фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатдан эркин фойдаланиш ва ижроия органидан Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни баёнлаш учун уларни олиш. Олинган ҳужжатлардан Кузатув Кенгаши ва унинг аъзолари фақат хизмат мақсадларида фойдаланишлари мумкин;
- Аудиторлик ташкилотининг хизматларига тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини белгилашга доир тавсиялар бериш;

- Жамиятнинг захира фондларидан фойдаланиш бўйича тавсиялар бериш;
- ички аудит хизматини ташкил этади ва унинг ходимларини тайинлайди;
- ҳар чорақда ички аудит хизматининг текширишлар натижалари тўғрисидаги ҳисоботини эшитиш ва тасдиқлаш;

- Жамият мол-мулки қийматининг 25 % дан 50 % гачасини ташкил этадиган мол-мулкни қўйиш, тасарруфдан чиқариш ёки Жамият ёхуд билвосита тасарруфидан чиқариши эҳтимоли билан боғлиқ бўлган йирик битимларни тузиш тўғрисидаги қарорларни қабул қилиш.

18.2. Жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг қарорига биноан Жамият кузатув кенгашининг аъзоларига ҳақ тўланиши ва (ёки) уларнинг ўз мажбуриятларини бажаришлари билан боғлиқ харажатлари қопланиши мумкин. Ҳақлар ва товонларнинг миқдорлари Жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг қарори билан белгиланади.

18.3. Жамият Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Жамият ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

18.4. Жамият мол-мулкни қарзга бериш (қарз суммаси 10,0 млн. сўмдан ошганда), лавозимга қўйиш, кафиллик билан таъминлаш, молиявий (ҳомийлик/хайрия) ёрдам кўрсатиш, кўчмас мулкни тасарруфдан чиқариш билан боғлиқ бўлган битимларни тузиш бўйича ижро органига розилик бериш ҳақида қарор қабул қилиш;

18.5. Жамият бош директорининг ўринбосарлари (директорлари), бош ҳисобчиси, Жамиятга тегишли шўъба ва қарам хўжалик Жамиятлари ижро этувчи органи (бошқарув раиси, бош директор, директор ва ҳ.к.), унинг ўринбосарлари ва Бош ҳисобчисини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш.

19-модда. Жамият Кузатув кенгашини сайлаш

19.1. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари Жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши томонидан 5 кишилик таркибда бир йиллик муддатга сайланадилар.

19.2. Жамият Кузатув кенгаши таркибига сайланган шахсларнинг қайта сайланишлари чекланмайди.

19.3. Жамият ижроия органининг аъзолари Кузатув кенгашига сайланишлари мумкин эмас.

19.4. Жамиятда меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган шахслар Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолари бўлиши мумкин эмас.

20-модда. Жамият Кузатув кенгашининг раиси

20.1. Жамият Кузатув кенгашининг раиси Кузатув кенгаши аъзолари томонидан умумий йиғилишнинг ўзлари орасидан Кузатув кенгаши аъзолари умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан сайланади.

20.2. Жамият Кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, Кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисда баённома юритилишини ташкил этади, Жамият иштирокчилари умумий йиғилишида раислик қилади.

20.3. Жамият Кузатув кенгашининг раиси йўқлигида унинг вазифасини Кузатув кенгаши аъзоларидан бири бажариб туради.

21-модда. Жамият Кузатув кенгашининг мажлиси

21.1. Жамият Кузатув кенгашининг мажлиси Кузатув кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббуси билан, Кузатув кенгашининг аъзоси, Жамият ижроия органининг талабига биноан чақирилади.

21.2. Жамият Кузатув кенгаши мажлисини ўтказиш пайтида Кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг 80% иштирок этган тақдирда мажлис ваколатли ҳисобланади.

21.3. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар Кузатув кенгаши аъзолари томонидан кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Жамият Кузатув кенгаши мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади.

21.4. Жамият Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди.

21.5. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг уч кундан кечиктирмай тузилади. Мажлис баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

- мажлис ўтказилган жой ва вақт;
- мажлисда ҳозир бўлган шахслар;
- мажлисининг кун тартиби;
- овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш якунлари;
- қабул қилинган қарорлар.

21.6. Жамият Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этган барча Кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади.

21.7. Жамият Кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) Жамият кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

22-модда. Жамиятнинг ижрочи органи

22.1. Жамиятнинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш Жамиятнинг коллегиял ижро этувчи органи томонидан амалга оширилади. Жамиятнинг ижро этувчи органи Жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишига ва Жамиятнинг кузатув кенгашига ҳисобдордир. Жамиятнинг коллегиял ижро этувчи органини таркиби 3 дан 5 кишигача иборат булиб унга аъзолик фақат жисмоний шахс сайланади, у Жамиятнинг иштирокчиси бўлмаслиги мумкин.

22.2. Жамиятнинг коллегиял ижро этувчи органининг бош директори ва аъзолари Жамият кузатув кенгаши томонидан сайланади.

Жамиятнинг коллегиял ижро этувчи органи Жамиятнинг устави билан ўз ваколатлари ҳудудасига киритилган ваколатларни амалга оширади.

22.3. Бош директор Жамият номидан ишончномасиз иш юритади, шу жумладан унинг манфаатларини ифодалайди ва битимлар тузади.

22.4. Жамиятнинг коллегиял ижро этувчи органининг фаолияти ва унинг томонидан қарорлар қабул қилиш тартиби Жамиятнинг ҳужжатлари билан белгиланади.

22.5. Жамиятнинг коллегиял ижро этувчи органининг аъзоси овоз бериш ҳуқуқини ўзга аъзоларга, шу жумладан Жамиятнинг коллегиял ижро этувчи органининг бошқа аъзоларига беришига йўл қўйилмайди.

22.6. Жамиятнинг бош директори ваколатлари ва мажбуриятлари жумласига Ўзбекистон Республикасининг “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли Жамиятлар тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатларида кўрсатилган ваколатлар ва мажбуриятлардан ташқари (ёки инобатга олган ҳолда) қуйидагилар киради:

- Жамият ходимлари билан меҳнат шартномасини тузиш;

Бирок, Жамият бош директорининг ўринбосарлари (директорлари), бош ҳисобчиси, Жамиятга тегишли шўъба ва қарам хўжалик Жамиятлари бошлиқлари (бошқарув раиси, бош директор, директор ва х.к.), бошлиқ ўринбосарлари, бош ҳисобчиси Жамият кузатув кенгаши билан ёзма келишилган ҳолда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

- Жамият штатлар жадвалини, ишчиларнинг иш ҳақи миқдорини, уларга иш ҳақи ва бошқа тўловлар тўлаш тартибини белгиловчи ички ҳужжатларни Жамият кузатув кенгаши билан келишилган ҳолда тасдиқлаш;

- Жамият ҳорижий корхоналари томонидан кафиллик бериш, қарз бериш ва қарз, кредит олиш, гаров бериш билан боғлиқ бўлган битимларни тузиш учун Жамият кузатув кенгаши розилигини олиш;

100 000 000,00 сўмга тенг ва ундан юқори тўлов топширқномаларини масалалари бўйича Жамият кузатув кенгаши билан ёзма келишиш.

23 – модда. Бош директор

23.1. Коллегиал ижро этувчи органининг рахбари - бош директор Жамият Кузатув кенгаши томонидан 1 (бир) йиллик муддатга сайланади. Жамият ва бош директор ўртасидаги кенгаши раиси томонидан сайланган Жамият Кузатув кенгаши раиси томонидан имзоланади.

23.2. Бош директор Жамият ходимлари билан меҳнат шартномалари тузади ва уларни қилади, ходимларга нисбатан рағбатлантириш чораларини ва интизомий жазоларни қўяди;

- Жамият номидан вакиллик қилиш ҳуқуқи учун ишончномалар беради;
- Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тайёрлаш
- Жамият мол-мулки қийматининг 25% гача бўлган миқдорни ташкил этадиган мол-мулкни олиш, тасарруфдан чиқариш ёки ёхуд билвосита тасарруфидан чиқариши эҳтимол бўлган боғлиқ бўлган йирик битимларни тузиш;

23.3. Бош директор Жамият иштирокчиларининг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чاقиртиради;

23.4. Жамиятнинг устави билан Жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши ваколатлари жумласига киритилмаган бошқа ваколатларни амалга оширади.

24-модда. Жамиятнинг йиллик ҳисоботларини тузиш, текшириш ва тасдиқлаш тартиби

24.1. Жамият бухгалтерияси ҳисобини олиб боради ва Ўзбекистон Республикасида белгиланган тартибда статистик ҳисоботларни тақдим этади.

24.2. Қонунчиликка мувофиқ бухгалтерия ҳисобининг ташкил қилинишини, уни қилиш ва ҳаққонийлиги, йиллик ҳисоботини ўз вақтида тақдим этилишини ва бошқа молиявий ҳисоботларни тегишли органларга ва кредиторларга ўз вақтида тақдим қилиш ижро органининг вазифаларига юклатилади.

24.3. Йиллик ҳисобот Жамият иштирокчиларнинг умумий йиғилиши билан тақдим этилиши лозим.

25-модда. Жамият ҳужжатларини сақлаш ва тақдим этиш тўғрисида маълумотлар

25.1. Жамият, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилган бўлмасан, қуйидаги ҳужжатларни Жамият фаолияти муддати даври мобайнида сақлаши шарт:

- Жамиятнинг таъсис ҳужжатлари, шунингдек Жамиятнинг таъсис ҳужжатларини қўшилган ҳамда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ўзгартишлар ва қўшимчалар;
- Жамият муассислари йиғилишининг Жамиятни ташкил этиш ва Жамиятнинг уставига қўшилаётган пулсиз ҳиссаларнинг пул баҳосини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорнинг шунингдек, Жамиятни ташкил этиш билан боғлиқ бошқа қарорларни ўз ичига олган баъзиомаси;

- Жамият давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжат;
- Жамиятнинг ўз балансида турган мол-мулкка бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлар;
- Жамиятнинг филиаллари ва ваколатхоналари тўғрисидаги низомлар;
- Жамият иштирокчилари умумий йиғилишларининг, Кузатув кенгашининг вакилларининг баённомалари;
- Аудиторлик ташкилотининг хулосалари;
- қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар.

25.2. Жамият юқорида кўрсатилган ҳужжатларни ўзининг ижро этувчи органи қўйлашган ерда сақлайди.

26-модда. Жамиятнинг филиаллари ва ваколатхоналари

26.1. Жамият ўз филиалларини ташкил қилиши ва ваколатхоналарини иштирокчиларининг умумий йиғилиш қарорига асосан очиши мумкин. Улар Жамият мулк бўлган таъминланадилар ва Жамият иштирокчилари умумий йиғилиши томонидан тасдиқлаш шарт асосида иш юритади.

26.2. Филиал ёки ваколатхона раҳбари Жамият томонидан тайинланади ва у Жамиятнинг ишончнома асосида иш олиб боради. Филиал ва ваколатхона фаолияти учун жавобгарликни Жамият олиб боради.

26.3. Жамият филиаллари ва ваколатхоналари билан боғлиқ бўлган ўзгартиришлар маълумотлар Жамият Уставига ўзгартириш киритса юридик шахсларни рўйхатдан олиб ташлаш давлат органига керакли тартибда ахборот берилади.

27-модда. Жамиятнинг битим тузишдан манфаатдорлиги

27.1. Тузилишидан Жамият Кузатув кенгашининг аъзоси, Жамиятнинг коллегиял ижро органи аъзоси манфаатдор бўлган ёки ўз аффилиланган шахслари билан биргаликда Иштирокчилари умумий овозлари сонининг йигирма ва ундан ортиқ фоизига эга бўлган Жамият Иштирокчисининг манфаатдорлиги бўлган битимлар Жамият Иштирокчилари йиғилишининг розилигисиз Жамият томонидан тузилиши мумкин эмас.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахслар, уларнинг эрлари (хотинлари), ота-оналари, болалари, ака-укалари, опа-сингиллари ва (ёки) уларнинг аффилиланган шахслари ҳолларида Жамият томонидан битим тузилишидан манфаатдор шахслар деб эътироф этилади:

- битим тарафлари ҳисоблансалар ёки Жамият билан муносабатларда учинчи шахсларнинг манфаатларини ифодаласалар;

- битим тарафи ҳисобланувчи ёки Жамият билан муносабатларда учинчи шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи юридик шахс акцияларининг (пайлари, улушларининг) йигирма ва ундан ортиқ фоизига эга бўлсалар (ҳар бири алоҳида-алоҳида ёки жамланган ҳолда);

- битим тарафи ҳисобланувчи ёки Жамият билан муносабатларда учинчи шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи юридик шахснинг бошқарув органларида лавозим эгаллаб турган бўлсалар.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахслар: уларнинг эрлари (хотинлари), ота-оналари, болалари, ака-укалари, опа-сингиллари ва (ёки) аффилиланган шахслари акцияларининг (пайлар улушларининг) йигирма ва ундан ортиқ фоизига эга бўлган юридик шахслар тўғрисидаги;

уларнинг эрлари (хотинлари), ота-оналари, болалари, ака-укалари, опа-сингиллари ва (ёки) уларнинг аффилиланган шахслари бошқарув органларида лавозимни эгаллаб турган шахслар тўғрисидаги;

улар тузилишидан манфаатдор деб эътироф этилиши мумкин бўлган тузиладиган ёки тахмин қилинган битимлар тўғрисидаги ахборотни Жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг ахбороти етказишлари керак.

27.2. Тузилишидан манфаатдорлик бўлган битимларни Жамият тузиши тўғрисидаги қарор Жамият Иштирокчиларининг умумий йиғилиши томонидан Жамиятнинг унинг тузилишидан манфаатдор бўлмаган иштирокчилари умумий овозларининг кўпчилик овозлари билан қабул қилинади.

27.3. Агар битим Жамият билан бошқа тараф ўртасида, битим тузилишидан манфаатдор шахс ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларига мувофиқ шундай шахс деб эътироф қилинган пайтга қадар бўлган, одатдаги хўжалик фаолияти жараёнида тузилган бўлган манфаатдорлик бўлган битимни тузиш ушбу модданинг бешинчи қисмида назарда тутилган қарор иштирокчилари умумий йиғилишининг қарорини талаб қилмайди (Жамият иштирокчиларининг кейинги умумий йиғилиши ўтказиладиган санага қадар қарор талаб қилинмайди).

27.4. Тузилишидан манфаатдорлик бўлган ва ушбу моддада назарда тутилган талаблар билан ҳолда тузилган битимлар Жамиятнинг ёки унинг Иштирокчисининг даввоси асосида Жамият томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

27.5. Манфаатдор шахс Жамият олдида ўзи томонидан Жамиятга етказилган зарарни қисман жавобгар бўлади. Агар бир неча шахс жавобгар бўлса, уларнинг Жамият олдидаги жавобгарлиги солидар бўлади.

28-модда. Йирик битимлар

28.1. Йирик битимларни тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинадиган кундан олдинги ҳисобот даври учун бухгалтерия ҳисоботлари маълумотлари асосида аниқланган қиймати мол-мулки қийматининг йигирма беш фоизидан ортиқ қийматга эга бўлган мол-мулкни тасарруфидан чиқариши ёки Жамият бевосита ёхуд билвосита мол-мулкни тасарруфидан чиқариши эҳтимоли билан боғлиқ бўлган битим ёки ўзаро боғлиқ бир неча битим йирик битим деб ҳисобланади. Жамиятнинг одатдаги хўжалик фаолияти жараёнида тузилган битимлар йирик битимлар деб эътироф этилмайди.

28.2. Йирик битим натижасида Жамиятнинг тасарруфидан чиқариладиган мол-мулкнинг қиймати унинг бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида, Жамият оладиган мол-мулкнинг қиймати эса – таклиф қилинган баҳо асосида аниқланади.

28.3. Йирик битимни тузиш тўғрисидаги қарор Жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

28.4. Жамиятда Жамиятнинг Кузатув кенгаши тузилган тақдирда, қиймати Жамият мол-мулкнинг қийматининг йигирма бешдан эллик фоизгачасини ташкил этадиган мол-мулкни олиш, тасарруфидан чиқариш ёки Жамият бевосита ёхуд билвосита тасарруфидан чиқариши эҳтимоли боғлиқ бўлган йирик битимларни тузиш тўғрисидаги қарорларни қабул қилиш Жамиятнинг уставига биноан Жамият Кузатув кенгашининг ваколатига киритилиши мумкин. Бунда кузатув кенгашининг айби билан йирик битим тузилиши натижасида етказилган зарар учун Жамиятнинг Кузатув кенгаши умумий йиғилиш олдида жавобгар бўлади.

28.5. Ушбу моддада назарда тутилган талаблар бузилган ҳолда тузилган йирик битим Жамиятнинг ёки унинг иштирокчисининг даъвосига биноан суд томонидан ҳақиқий эмас деб эътироф этилиши мумкин.

29-модда. Ички аудит хизмати

29.1. Активларининг баланс қиймати бир миллиард сўмдан ортиқ бўлганда Жамиятда ички аудит хизмати ташкил этилади. Жамиятнинг кузатув кенгаши ички аудит хизматини ташкил этади ва унинг ходимларини тайинлайди. Ички аудит хизмати Жамиятнинг кузатув кенгашига ҳисобдордир.

29.2. Ички аудит хизмати Жамиятнинг ижро этувчи органи, ваколатхоналари ва филиаллари томонидан қонун ҳужжатларига, таъсис ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда аниқлигини, эътирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек Жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ва бу борада мониторинг олиб бориш орқали Жамиятнинг ижро этувчи органи, ваколатхоналари ва филиаллари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди.

29.3. Ички аудит хизмати ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ амалга оширади.

30-модда. Жамиятни қайта ташкил этиш ва тугатиш

Жамиятни қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси 49-55 моддалари ҳамда «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулияти бўлмаган шirkатлар тўғрисида»ги қонуннинг 49-55 моддаларига асосан амалга оширилади.

31-модда. Бошқа қоидалар

Ушбу Уставда акс этирилмаган қонун ҳужжатларга зид бўлмаган бошқа ҳаракатлар Ўзбекистон Республикасининг «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулияти бўлмаган шirkатлар тўғрисида»ги қонуни асосида амалга оширилади.